



ЁШЛАР – БЕБАҲО ХАЗИНАМИЗ, КУЧ-ҚУДРАТИМИЗ ВА БУЮК КЕЛАЖАГИМИЗ ТИМСОЛИ



Тошкент шаҳридаги “Нумо arena” саройида Ўзбекистон ёшлари форуми бўлиб ўтди. Мамлакатимизда биринчи бор ўтказилаётган ушбу йирик тадбирда Президент Шавкат Мирзиёев иштирок этиб, нутқ сўзлади, ёшлар билан мулоқот қилди.

Давлатимиз раҳбари жорий йил 20 ноябрь куни Чилонзор туманига ташифи чоғида Ёшлар форумини ўтказиш ташаббусини илгари суриб, Тошкентда ёшлар билан ишлаш бўйича янги тизим яратилиши, бунда пойтахтлик йигит-қизлар карвонбоши бўлиши кераклигини таъкидлаган эди.

Орадан кўп ўтмади, эзгу ташаббус қанот ёзди. 18 декабрь куни Тошкентдан бошланган форум шуқуҳи мамлакат бўйлаб кўр олди. Форум доирасидаги тадбирларда ёшлар ва зирлар, ҳокимлар билан очиқ мулоқотга киришди, ҳокимият ва бошқарув органларининг бошқа вакиллари билан учрашди, муҳокамаларда иштирок этди.

25 декабрь куни Ўзбекистон ёшлари форумининг мантикий якуни сифатида ўтказилган тадбирнинг ўзида 3 минг 300, ҳудудлардаги студияларда эса 26 мингдан зиёд йигит-қиз қатнашди.

“Нумо arena” саройининг мухташам сахнаси. Президент Шавкат Мирзиёев кириб келди. Ёшлар зўр ҳаяжон билан давлат раҳбарини қарши олди. “Ўзбекистон”, “Ўзбекистон” деган оқишлар янгради. Президент ва ёшларнинг янги форматдаги тарихий учрашуви бошланди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон ёшлари форуми билан барчани табриклади.

— Сизлардаги жўшқинлик янги Ўзбекистоннинг куч-қудратини кўрсатади. Ҳар гал ёшларимиз билан учрашганимда, сизларнинг ғайрат-шижоатингиздан куч-қувват оламан, кўнглим тоғдай кўтарилади. Ҳар бирингиз жонажон Ватанимиз ва халқимизга сидқидилдан хизмат қилиш орзуси билан ёниб яшаётганингизни яхши биламан. Сизларни Ўзбекистоннинг энг катта бойлиги, бебаҳо хазинаси сифатида юксак қадрлайман, — деди Шавкат Мирзиёев.

Бугунги шиддатли, таҳликали даврда барча давлатларни, халқларни “Янгича яшаш тарзига тайёр-мизми?” деган савол ўйлантираётгани рост. Ана шундай мураккаб шароитда инсониятни илм-фан, фақат илм-фан, янги ғоя ва замонавий интилишлар асосидаги кашфиётлар келажақ сари етаклашни ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди. Шунга ҳамоҳанг равишда Ўзбекистонда Учинчи Ренессанс тўлқини мавжланмоқда. Бу жараёнда иқтидорли ёшлар майдонга чиқиб келаётгани қувонарлидир.

▶ Давоми 3-бетда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ ФОРУМИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Ҳурматли форум иштирокчилари! Қадрли ёшлар!

Сизлар билан бугун мамлакатимизда биринчи бор ўтказилаётган Ўзбекистон ёшлари форумида учрашиб турганимдан гоёат хурсандман.

Ушбу мухташам залда тўпланган, шунингдек, шаҳар ва туманлардаги студияларда ўтирган фаол ва ташаббускор ўғил-қизларимизни, бутун мамлакатимиз ёшларини бугунги анжуман билан чин қалбимдан самимий табриклайман.

Мен ҳар гал ёшларимиз билан учрашганимда, сизларнинг ғайрат-шижоатингиздан куч-қувват оламан, кўнглим тоғдай кўтарилади. Ҳар бирингиз жонажон Ватанимиз ва халқимизга сидқидилдан хизмат қилиш орзуси билан ёниб яшаётганингизни яхши биламан. Сизларни **Ўзбекистоннинг энг катта бойлиги, бебаҳо хазинаси** сифатида юксак қадрлайман.

Биз юртимизда қандай ислохотларга қўл урмайлик, аввало, сиз каби ёшларга, сизларнинг куч-ғайратингиз ва азму шижоатингизга суюнамиз.

Барчангиз яхши биласиз, биз бугун ўз олдимизга улкан марраларни қўйганмиз. Она Ватанимизда **Учинчи Ренессанс** пойдеворини яратишга киришдик.

Биз оила, мактабгача таълим, мактаб ва олий таълимни ҳамда илмий-маданий даргоҳларни **бўлғуси Ренессанснинг энг муҳим бўғинлари** деб ҳисоблаймиз. Шу сабабли, ушбу соҳаларда туб ислохотларни изчил амалга оширолмоқдамиз.

Ишонаманки, мамлакатимиз тараққиётининг янги пойдеворини яратишда сизлар сингари фидойи ва ватанпарвар ёшларимиз фаол иштирок этиб, муносиб ҳисса қўшадилар.

Барчангизга аёнки, бугун дунё шиддат билан ўзгармоқда. Ҳар куни, янги-янги муаммо ва вазифалар пайдо бўлмоқда. Айниқса, якунлидир бораётган йилимиз инсоният учун жуда оғир ва синовли бўлди. Коронавирус пандемиясидан миллионлаб одамлар азият чекди.

Шундай мураккаб даврда мард ва фидойи ёшларимизнинг олдинги сафларда турганига ҳаммамиз гувоҳ бўлдик.

Эл бошига иш тушганда, ёшларимиз, керак бўлса, азиз жонларини гаровга қўйиб, халқимиз дардига дармон бўлдилар. Сизларнинг тенгдошларингиз уйма-уй юриб, карантин даврида қиналган оилаларга

амалий ёрдам бердилар. Айниқса, **“Саховат ва кўмак”** умумхалқ ҳаракатида минглаб ўғил-қизларимиз кўнгилли сифатида фаолият олиб борганини бугун алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман.

Юрагида эзгулик ва меҳр-оқибат туйғулари жўш урган ана шундай ёшларимизга, уларга таълим-тарбия берган ота-оналари ва устоз-мураббийларига бугун яна бир бор самимий миннатдорчилик билдираман.

Азиз фарзандларим!

Хабарингиз бор, яқинда ёшлар билан ишлаш бўйича Тошкент шаҳри намунаси яратилди. Ушбу тажриба доирасида пойтахтимизда ўтказилган **“Ёшлар ойлиги”**да ўғил-қизларимизнинг муаммолари, тақлиф ва истаклари **“маҳаллабай”** ўрганилди. Уларнинг ечимлари бўйича манзилли дастурлар ишлаб чиқилди.

Бу эзгу ташаббус мамлакатимиз бўйлаб кенг қанот ёзди. Шунингдек, барча шаҳар ва туманларда Ёшлар фестиваллари бўлиб ўтди. Кўпчилигингиз ушбу тадбирлар доирасида қатор вазирлар, ҳокимлар, банкирлар ва бошқа мутасаддилар билан очиқ мулоқот қилдингиз.

Мен ҳам мазкур жараёнларни телевидение орқали ҳар куни қўзатиб бораёман. Ёшларимизнинг долзарб масалаларни дадил кўтариб чиқиши, ташаббуслари ва шижоати менга жуда маъқул бўлди. Дунёқараш кенг, жонқуяр, илғор фикрли фарзандларимиз кўплигини кўриб, тўғриси, ниҳоятда қувондим.

Энди биз Тошкент шаҳри тажрибасини бутун мамлакат бўйлаб кенг жорий қиламиз. Бу борада Тошкент, Қашқадарь ва Хоразм вилоятларида аллақачон амалий ишлар бошлаб юборилган.

Ёшларга доир сиёсатимизни самарали амалга ошириш, уларнинг ижтимоий муаммоларини тизимли ўрганиш ва мувофиқлаштириш вазифаси мутасадди ташкилотларга юклатилди.

Бундан буён вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари, вазирлар ва бошқа масъул раҳбарлар жойларда ёшлар билан учрашувларни доимий равишда ташкил этиб борадилар. Ҳокимлар ва сектор раҳбарлари ёшлар муаммоларини ҳал этишга қаратилган амалий “йўл хариталари”ни ишлаб чиқиб, ижросини таъминлайдилар. Шу масала бўйича ҳар 6 ойда маҳаллий кенгашларга ҳисобот берадилар ва келгуси ярим йиллик учун аниқ режаларни белгилаб оладилар.

Савдо-саноат палатаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан биргаликда **“Ёшлар: 1+1”** дастури доирасида палатанинг ҳудудий ўқув марказларида уюшмаган ва ишсиз ёшларни касб-хунар ва тадбиркорликка ўқитишни ташкил этади.

Куни кеча Савдо-саноат палатаси йиғилишида **“Ҳар бир тадбиркор — ёшларга мададкор”** тамойили асосида 1 нафар тадбиркорга 1 нафардан ишсиз ёшларни бериштириш юзасидан хайрли ташаббус эълон қилинди. Бу ташаббус кўплаб тадбиркорларимиз томонидан қизгин қўллаб-қувватланди.

Келгуси йилда камида 500 минг ёшга иш жойи яратиши мумкин бўлган ушбу ҳаракатни биз ҳам албатта маъқуллаймиз.

“Хунари киши хор бўлмас”, дейди халқимиз. Аммо кейинги пайтларда фарзандларимизнинг уста хунаремандлар қўлида касб-хунар ўрганишига етарли эътибор бермай қўйдик. Ваҳоланки, устоз кўрган ўғил-қизларимиз домласига муносиб бўлишга интилади, ҳаётда уларнинг кўмаги билан ўз ўрнини топади. Шу боис, ҳудудларда **“устоз-шогирд”** анъанасини янада кучайтирсак, ўйлайманки, нур устига аъло нур бўлади.

Бу эзгу ишга жалб этиладиган хунареманд усталарни Бандликка кўмаклашиш жамғармасидан моддий рағбатлантириш тизими жорий этилади. Бу муҳим вазифаларни жойларда амалга ошириш учун Савдо-саноат палатаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари шахсан масъул бўладилар.

Барчангизга яхши маълумки, айна пайтда юртимизда эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналарини тезкор ривожлантириш бўйича етарли тажриба тўпланди. Энди, орттирган тажрибамиз асосида республикамизнинг барча шаҳар ва туманларида **“Ёшлар кичик саноат зоналари”** ташкил этилади. Ушбу саноат зоналарида ёшлар лойиҳаларини амалга оширишга кўмаклашиш учун зарур бўладиган барча инфратузилма объектлари жойлаштирилади.

Тижорат банкларининг ҳудудларда фаолият бошлаган **“Лойиҳалар фабрика”**лари ёшларимизнинг илғор ғоялари асосида лойиҳавий тақлиф ва бизнес режаларини тайёрлаб беради.

Ёшлар лойиҳаларини молиялаштириш учун Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги қошида алоҳида жамғарма ташкил этилиб,

ушбу жамғармага 100 миллион доллар маблағ ажратилади. Ушбу жамғарма ёшларнинг ҳаётда кўплаб қамчиликлар ҳалигача соҳаларда кредит беради.

Бундан ташқари, кичик саноат зоналарида ишлаб чиқариш бинолари қурилиб, ёшларга имтиёзли шартларда ижара ва лизинг асосида берилади.

Жойларда **“Ёшлар кичик саноат зоналари”**ни ташкил этиш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари бир ҳафта муддатда тақлиф қилинган. Ёшлар лойиҳаларини қўллаб-қувватлашда солиқ ва бошқа имтиёزلарни бериш юзасидан қарор қабул қилинади.

Ҳурматли йиғилиш қатнашчилари! Ўрни келганда таъкидлаш кераки, ёшларимиз муаммоларини тизимли ҳал этиш борасида кўплаб қамчиликлар ҳалигача сақланиб қолмоқда.

Албатта, бугун ўз тенгдошларига ибрат бўлаётган, жамиятдаги ўзгаришларда фаол иштирок этиб келаётган ғайратли ёшлар жуда кўп. Лекин, ҳаётда ўз ўрнини топишга қийналаётган, йўлдан адашган, кўмакка муҳтож ёшлар ҳам, афсуски, йўқ эмас.

Шунинг учун, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Ёшлар ишлари агентлиги билан бирга, ёшлар, айниқса, уларнинг уюшмаган қатлами билан масъуллар ўртасида тўғридан-тўғри мулоқот ўрнатишга хизмат қилувчи **“Ёшлар мувоқоати”** электрон платформасини яратиш керак бўлади.

Яқинда ўтказилган ижтимоий сўровлар аксарият ёшларимизда ижобий мотивация, бизнес ва тадбиркорлик соҳасида зарур билим ва малака етишмаслигини кўрсатди. Демак, уларга тадбиркорлик асосларини ўргатишга қаратилган ишларимизни янада кучайтиришимиз лозим.

Шуни инобатга олиб, “Микрокредитбанк” касб-хунар ва тадбиркорликка ўқиб, сертификат олган ёшларга имтиёзли фоизларда микрокредитлар ажратиш чораларини кўрсин. Бундай кредитлар 3 йил имтиёзли даври билан 7 йил муддатга берилди. Банк томонидан ушбу мақсадлар учун келгуси йилда 45 миллион долларлик микрокредитлар ажратилади.

Шунингдек, **Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастури** орқали ҳар бир вилоят ёшларининг тадбиркорлик лойиҳалари учун 100 миллион сўмдан кредит маблағлари йўналтирилади.

Ушбу дастурлар орқали ёшларнинг бизнес лойиҳалари самарали амалга оширилишига жойларда ҳокимлар ва сектор раҳбарлари шахсан масъул бўладилар.

Бугун ўғил-қизларимизни қийнаётган жиддий муаммолардан бири — ўқишни тамомлаган ёшлар бандлигини таъминлашдир. Кўплаб мактаб ва коллеж битирувчилари, баъзан олий маълумотли йигит-қизлар ҳам иш топишда қийинчиликка учрамоқдалар.

Маълумки, бу йилдан Андижон, Фарғона ва Наманган вилоятларида 7-11-синф ўқувчиларига мактабда таълим бериш билан бирга, уларни касбга ўргатиш тизими жорий этилди.

Ўқувчи 11-синфга ўтдимиз, у туман ёки шаҳар ҳокимлигининг бевосита назоратида бўлиши лозим. Агар бола олий ўқув юртига кира олмаса, маҳаллий раҳбарлар уни албатта иш билан таъминлаши шарт. Бунинг учун иш бериувчилар ёш мутахассисни ўз жамоасига қабул қилишдан манфаатдор бўлиши керак.

Шу сабабли, Вазирлар Маҳкамасига иш бериувчиларга ёш кадрларни ишлатган даври учун тегишли имтиёзлар тақдим этиш масаласини кўриб чиқиш вазифаси топширилади.

Қадрли ёшлар! Ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар фарзандларини қўллаб-қувватлаш, ёш оилаларни уй-жой билан таъминлаш ҳам устувор вазифалардан ҳисобланади.

Утган уч йилда республикамизда 5 мингдан ортиқ ёш оилалар учун арзон уй-жойлар қурилди ва уларга 200 миллиард сўм миқдоридидаги бошланғич бадал пуллари тўлаб берилди. Мана шундай эзгу ишларимизнинг мантикий давоми сифатида, 2021-2023 йилларда Ёшлар уйлари қуриш дастури амалга оширилади.

Ҳурматли ўғил қизларим! Халқимиз азалдан оилани муқаддас билди, уни доимо асраб-авайлаб келади. Оила қанчалик мустаҳкам бўлса, жамият ҳам шунчалик барқарор бўлади.

Бир нарсани унутмаслигимиз лозим: ҳонадонларимиздаги тинчлик-тотувлик, аввало, оиладаги соғлом муҳит, мустақил ҳаёт оstonасида турган қизларимизни оилавий турмушга тайёрлаш билан бевосита боғлиқ.

Афсуски, бу муҳим масалага лоқайдлик ва эътиборсизлигимиз натижасида жорий йилнинг ўтган 11 ойида ёш оилалар ўртасида 25 минг ажримлар қайд этилган. Бу салбий ҳолат барчамизни жиддий безовта қилиши ва қаттиқ ташвишга солиши керак.

▶ Давоми 2-бетда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ ФОРУМИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

 Бошланиши 1-бетда

Ахир, ўзингиз ўйланг, 25 минг ажрим — агар ҳар бир оиланинг камиди уч нафар аъзоси бўлса, бу — 100 минг одам ҳаётининг барбод бўлгани эмасми?! Бунинг оқибатида қанчадан-қанча беғуноҳ болалар тирик етим бўлиб қолади. Қанча инсоннинг тақдирини издан чиқиб, сарсон-саргардон бўлади.

Нега мана шу оилаларни сақлаб қолиш учун маҳаллада ҳаракат қилмадик, ёшларга тўғри йўлни кўрсатмадик?

Мен, бугунги имкониятдан фойдаланиб, кенг жамоатчиликка, авваламбор, кўпни кўрган мўътабар нурунийларимизга, оқила ва меҳрибон оналаримизга мурожаат этмоқчиман. Бу оғриқли масалада бизга ёрдам беринглар, деб илтимос қиламан.

Оилавий низоларнинг олдини олиш, ажримларни камайтириш борасида сиз, азиз ёшларимиз ҳам ташаббус ва фаоллик кўрсатсангиз, мен барчангиздан чексиз миннатдор бўлар эдим.

Хурматли анжуман иштирокчилари! Бугунги форум сизларнинг келгусидаги мақсад ва режаларингизни белгилаб олиш учун қўлай бўлган катта имкониятидир.

Буюк аждодимиз Мухаммад Хоразмийнинг: **“Сўз — гул, иш — мева”**, деган ҳикмати сўзлари бор. Ўйлайманки, бугун белгилаб оладиган режаларингиз қанчалик пишиқ-пухта бўлса, ишингиз ҳам шунчалик яхши самара беради.

Сизлар кўп китоб ўқиган, билимли авлод вакиллари сифатида юртимиз ўтмишда жаҳон цивилизацияси бешикларидан бири бўлгани яхши биласиз.

Сиз — Хоразмийлар, Фарғонийлар, Беруний ва Ибн Синолар, Улугбек, Навоий ва Бобурлар, Бухорийлар ва Термизийлар авлодсиз.

Ана шундай буюк ватандошларимиз яратган бебаҳо билим ва кашфиётлар бугун ҳам инсониятга беқиёс хизмат қилмоқда.

Бу ўринда, қомусий олим Мухаммад Хоразмий асос солган илм — **“алгоритм”**ни эслашнинг ўзи кифоя. Бу улуг зотнинг улкан хизматларини бутун башарият ханузгача миннатдорлик билан эсламоқда. Унинг оламшумул кашфиётлари бугунги ахборот технологияларини яратишда ҳам мустаҳкам асос бўлмоқда.

Куни кеча Испаниянинг Мадрид шаҳридаги Комплутенсе университетидида аллома бобомизнинг ҳайкали ўрнатилди. 500 йиллик тарихга эга бу нуфузли университет мамлакатда биринчи ўринда турадиган олийгоҳ ҳисобланади. Машҳур аждодимиз хотирасига кўрсатилган бундай улкан эҳтиромни биз айна вақтда халқимизга, унинг қадимий тарихи ва бой илмий меросига кўрсатилган юксак ҳурмат рамзи сифатида қабул қиламиз.

Фурсатдан фойдаланиб, Испания ҳукумати, университет раҳбарияти ва илмий жамоасига бутун эл-юртимиз ва ёшларимиз номидан самимий ташаккур билдираман.

Атоқли шоир Абдулла Орипов ёзгандай, Беруний бобомизнинг **“ақл машъали”** бутун башариятни халигача ҳайратга солиб келаяётганини сиз, азиз ёшлар яхши биласизлар, албатта.

Энг муҳими, бу улуг алломаларимиз ўзларининг оламшумул кашфиёт ва ихтироларини сизнинг ёшингизда — айна кучга тўлган навқирон чоғларидида амалга оширганлар. Сиз ҳам буюк аждодлардан ибрат олиб, ҳаётда мўъжизалар яратишга астойдил интилишингиз керак.

Ўз тажрибамдан келиб чиқиб, сизларга айтадиган маслаҳатим шу: Илмни кадрланг, илмга интилинг! Бир сония вақтингиз ҳам бекор ўтмасин! Ёшлик — умрнинг энг бебаҳо даври. Илм ва билим — ўтда ёнмайдиган, сувда чўкмайдиган, ҳеч ким сиздан тортиб ололмайдиган бойлик эканини асло унутманг!

Сизлар мустақиллик фарзандларисиз. Ота-боболарингиз кўрган тўсиқ ва қийинчиликларни кўрмай, озод Ватанди эркин нафас олиб воёга етаясизлар.

Юксак мақсадлар йўлида сиз — ёшлар ҳал қилувчи куч бўлишингиз керак.

Мен сизларнинг зимманингизга юклаган ана шундай улкан масъулиятни, том маънодаги тарихий вазифани шараф билан адо этишингизга қатъий ишонаман.

Сизлар замонавий илм-фан ва юқори технологияларни мукаммал эгаллашингиз учун барча куч ва имкониятларини ишга соляпмиз.

Мен ҳудудларга борганимда, сизларнинг тенгдошларингиз билан учрашиб, уларни қийнаётган долзарб муаммоларни ўрганишга алоҳида вақт ажратаман.

Дунёда глобаллашув ва рақобат тобора кучайиб бораётган бугунги вазиятда барча соҳаларда юксак билимли кадрларни тайёрла-масак, тараққиётдан ортда қолиб кетишимиз мумкин.

Шу мақсадда, таълим тизимида туб ислохотларни амалга ошираяпмиз. Соҳада мутлақо янги тизим — Президент ва ижод мактабларини, математика, химия, биология

фанлари бўйича махсус мактабларни ташкил этаёпмиз. Ёшларимизга “IT” технологияларини чуқур ўргатадиган таълим масканларининг сони кун сайин кўпайиб бормоқда.

Биз бу ишларимизнинг илк меваларини кўра бошладик. Сўнгги уч йилда мамлакатимиз ёшлари нуфузли халқаро танлов ва мусобақаларда беш ярим минг совринли ўринларни қўлга киритдилар.

Тошкент шаҳридаги Президент мактаби ўқувчиси Фирдавс Абдуқаюмов IELTS дастури бўйича юқори балл тўплаб, АҚШнинг Жон Кэрролл университетидида таҳсил олиш учун 96 минг долларлик грант соҳибига айланди.

Фирдавс ўғлимни, унинг ота-онаси ва устозларини чин дилдан табриклаб, уларга сиҳат-саломатлик тилайман.

Фирдавснинг издоши сифатида, Тошкент шаҳридаги Президент мактабидан Темур Сулаймонов грант асосида, Намангандаги мактабдан Мирношхоқ Иномжонов ва Азимжон Алижонов ҳамда бошқа кўплаб ўқувчилар нуфузли хорижий илм даргоҳларига ўқишга кирганлар ва уларнинг сони кун сайин ошиб бормоқда. Биз бундай иқтидорли ёшларга ўз вақтида ҳар томонлама эътибор қаратиб, қўллаб-қувватласак, ўйлайманки, улар катта-катта зафарларни қўлга киритадилар.

Шу сабабли, ёшларимизнинг нуфузли хорижий олийгоҳларда таҳсил олиши учун ҳар томонлама қўмаклашишга алоҳида эътибор қаратамиз. Жумладан, халқаро таълим дастурлари бўйича энг юқори балл тўплаган иқтидорли ёшларга имтиҳон топишириш харажатлари тўлиқ қўллаб берилади.

Хурматли тadbир иштирокчилари! Бугун умумхалқ ҳаракатига айланган **беш муҳим ташаббус**ни амалга оширишда ёшларимиз фаол иштирок этаётгани бизни чексиз қувонтиради.

Албатта, бу йўналишда маълум натижаларга эришган бўлсак ҳам, ҳали қиладиган ишларимиз жудаям кўп. Жойлардаги маданият марказлари, спорт залларини таъмирлаш ва жиҳозлаш, ангиларини қуриш ҳақида бугун жиддий бош қотиришимиз керак.

Шу муносабат билан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига бир ой муддатда беш муҳим ташаббусни амалга ошириш бўйича қарор қабул қилиш топирилади.

Ушбу қарорларда жойлардаги 459 та маданият марказида замонавий шароитлар ташкил этиш, уларни таъмирлаш ва жиҳозлаш кўзда тутилиши лозим.

Бу муаммони албатта ҳал қиламиз. Лекин, мени масаланинг бошқа жиҳати кўпроқ ўйлантиради. Маданият ва санъат йўналишида ўқишни тамомлаган ёшларимизнинг кўпчилиги пойтахтда қолишни афзал кўраяпти. Бу аҳволда катта харажатлар эвазига жойларда барпо этилаётган маданият ва маърифат марказларида эртага ким ишлайди? Қишлоқлардаги ёш иқтидор эгаларини ким излаб топади, уларни ким тарбиялайди?

Шу муносабат билан вилоят ҳокимлари ҳар қайси туман ва шаҳардан 5 нафаргача ёшларни маданият ва санъат олийгоҳларида маҳаллий бюджет ҳисобидан ўқитади. Келгусида уларни ўз ҳудудида уй-жой ва мутахассислиги бўйича иш билан таъминлаш чораларини кўради.

Вазирлар Маҳкамаси Маданият вазирлиги, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти, ҳудуд раҳбарлари билан биргаликда ушбу масала бўйича икки ой муддатда алоҳида дастур ишлаб чиқади.

Яна бир муаммо — жойларда истеъдодли болаларнинг аксарияти ўз қобилиятини рўёбга чиқариш учун тегишли шароитга эга эмас. Талантли ёшларни аниқлаш, уларни қўллаб-қувватлаш бўйича жойлардаги ишлар талаб даражасида эмас.

Мисол учун, қайси ҳудуддан қанча Зулфия ч қизлар чиқди? Нечтаси “Нихон” мукофоти совриндори бўлди? Қайси ёш шоир ёки ёзувчининг китоби нашр этилди? Қайси ёш талант республика ёки халқаро танловларда, спорт мусобақалари ва фан олимпиадаларида ғолиб бўлди?

Агар масалага чуқурроқ қарайдиган бўлсак, эртага мана шундай ёшлар туман ёки шаҳарнинг “олтин фонди”га айланади ва улар шу ҳудуднинг обрўсини юксалтиришга хизмат қилади.

Шунинг учун ҳар қайси туман ва шаҳар ҳокимига 10-15 нафар мана шундай истеъдодли ёшларни саралаб, уларни ҳар томонлама тарбиялаш ва мунтазам рағбатлантириш тизимини йўлга қўйиш вазифаси топширилади.

Яна бир муҳим масала!

Хабарингиз бор, яқинда янги бир тажриба-ни жорий қилдик. Унга кўра, айна кунларда ҳокимлар йил якуни бўйича ўз ҳудудларида амалга оширилган ишлар, мавжуд камчилик ва муаммолар ҳамда келгуси режалари ҳақида маҳаллий кенгашлар олдида ҳисобот бераётилар.

Афсуски, ёшлар тарбияси, уларнинг муаммолари ва ечимлари ҳали ушбу ҳисоботларда ўз ахсини топмаяпти. Вилоятлар, туман ва шаҳар раҳбарлари келгуси йилдаги иш режаларида бу муҳим масалага устувор даражада аҳамият қаратишлари зарур.

Кейинги йилда ҳам жойларда изланувчан йигит-қизларни қўллаб-қувватлаш мақсадида **“Ёшлар технопарклари”** қурилишини давом эттирамиз.

Жорий йилда ёшлар ўртасида энг яхши илмий ишланмалар учун умумий қиймати 30 миллиард сўмдан ортиқ бўлган **“Ёш олимп-лар”** инновацион лойиҳалар танлови эълон қилинган эди.

Инновацион ривожланиш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги 2021 йилдан бошлаб мактаб ўқувчилари ва олий ўқув юртлари талабалари ўртасида **“Бўлажак олим”** танловини ташкил қилсин. Бу орқали ёшларнинг энг яхши инновацион ҳамда стартап лойиҳаларига 50 миллиард сўм маблағ йўналтирилсин.

Бу ишларни давом эттирган ҳолда, келгуси йилда 100 дан зиёд шаҳар ва туманларимизда “IT”ни чуқур ўргатадиган замонавий ўқув марказларини ташкил қиламиз.

Шу мақсадда, янги йилдан Тошкент вилоятида Ахборот технологиялари университети филиали ҳамда барча ҳудудларда мазкур йўналишда техникумлар ўз фаолиятини бошлайди.

Шунингдек, кейинги йилдан ёшларимизга халқаро “IT” сертификатларини олиш харажатларининг 50 фоизгача бўлган қисми бюджетдан қўллаб берилади.

Яқин икки йилда **“Бир миллион дастур-чи”** лойиҳаси доирасида 300 минг нафар ёшлар компьютер дастурлаш асосларига бепул ўқитилади.

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда бир ой муддатда ушбу лойиҳа доирасида соҳага қизиқа-диган ёшларни аниқлаш, ўқитиш ва иш билан таъминлашга қаратилган дастур ишлаб чиқсин.

Бундан ташқари, ўрта мактабларда ҳамда олий таълим муассасаларида ёшларнинг иқтидор ва талантларини тўла рўёбга чиқариш учун тизимли ишларни йўлга қўйиш лозим. Бунда ёшлар етакчилари, биринчи навбатда, ўзлари ташаббускор бўлишлари керак.

Ёшларимизнинг лидерлик қобилиятини кучайтириш, уларнинг фаоллигини ошириш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, илгор иш тажрибаларини оммалаштириш учун “Камалак юлдузлари”, “Йилнинг энг фаол ёшлар етакчиси”, “Йил сардори” каби кўрик-танловларни ўтказиш, ўйлайманки, мақсадли мувофиқ бўлади. Шу билан бир қаторда, олий ўқув юртлари ўртасида Талабалар фестивали, Интеллектуал ўйинлар ҳафталиги, “Йил талабаси” сингари кўрик-танлов ва мусобақаларни ўтказиш уларнинг интеллектуал салоҳиятини ва ташкilotчилик қобилиятини янада юксалтиришга хизмат қилади.

Шу муносабат билан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги, Ректорлар Олий Кенгаши, Республика Маънавият ва маърифат маркази биргаликда 2021 йилдан эътиборан, ушбу танловларни ташкил этиш ва юқори савияда ўтказиш, ғолибларни муносиб рағбатлантириш юзасидан чора-тадбирлар дастурини тасдиқласин.

Азиз ёшлар! Сизларга яна бир муҳим янгиликни айтиб ўтмоқчиман. Кейинги йилдан олий таълим муассасаларига кириш имтиҳонларида энг юқори балл тўплаган 200 нафар ёшлар учун **Президент гранти** жорий этилади. Агар мавжуд Президент стипендияси фақат бир ўқув йили учун мўлжалланган бўлса, ушбу грант талаба ўқишни битиргунига қадар, яъни, тўрт йил давомида тўлаб борилади.

Шунингдек, келгуси ўқув йилидан бошлаб, республикаимиздаги хорижий олий ўқув юртларининг бакалаврият босқичи талабалари учун ҳам Президент ва давлат стипендиялари жорий этилади. Чунки бундай таълим масканларида таълим олаётган ёшлар ҳам ўзимизнинг фарзандларимиз. Улар ҳам эртага юртимиз тараққиёти учун хизмат қилади. Шундай экан, уларга бугун ғамхўрлик қилиб, истеъдодини рағбатлантирасак, ўйлайманки, бу ҳам адолатдан бўлади.

Илм йўлини танлаган иқтидорли ёшларимизни қўллаб-қувватлаш мақсадида, кейинги йилдан бошлаб магистратура ва докторантура босқичлари учун Президент стипендияси квотасини икки баробарга оширамиз.

Ишончим комил албатта, бундай имконият ва имтиёзларга, аввало, янги Ренессанс пойдеворининг чинакам бунёдкорлари сазовор бўлади.

Яна бир долзарб масала. Юртимизда бир неча фарзанд олийгоҳларда таҳсил олаётган ота-оналарнинг аксарияти, очигини

айтганда, ўқши харажатларини қўллашда қийналадилар. Шунинг учун икки ва ундан ортиқ фарзанди олий ўқув юртида шартнома асосида ўқиётган оилаларга **имтиёзли таълим кредити** бериш тартиби ишлаб чиқилади. Бунда кредитни ўқш даври тугаб, ёшларимиз ишга жойлашгандан сўнг қайтар-иш назарда тутилади.

Молия вазирлиги тижорат банкларига ушбу арзон кредитлар учун мақсадли ресурслар ажратилишини таъминласин.

Хурматли келажагимиз ворислари! Хабарингиз бор, келгуси йили буюк бобо-миз Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини сизлар билан кенг нишонлаймиз.

Ёшларимизга ҳазрат Навоий ижодини чуқур ўргатишни тизимли йўлга қўйиш муҳим аҳамиятга эга. Алишер Навоий асарларининг бугунги ёшлар тушунадиган ихчам намуналарини яратиб, турли мобил илова ва электрон дастурлар ишлаб чиқиш керак. Бу масалага Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети раҳбарлари масъул этиб белгиланади.

Айни вақтда, келгуси йили биз атоқли шоир ва адибларимиз Абдулла Орипов, Ўткир Ҳошимов, буюк санъаткор Ботир Зокировнинг қобилей саналарини ҳам кенг нишонлаймиз.

Бу борада белгиланган тадбирларни халқимиз, авваламбор, ёшларимизнинг хоти-расида ёрқин из қолдирадиган даражада, чинакам адабиёт ва санъат байрамлари сифатида ўтказишимиз керак. Шу мақсадда, **“Абдулла Орипов издошлари”, “Ўткир Ҳошимов асарлари билимдони”, “Ботир Зокиров санъати давомчилари”** кўрик-танловларининг туман, шаҳар, вилоят ва республика босқичларини ташкил этиб, ғолибларни муносиб тақдирлаш зарур.

Маданият вазирлиги, Ёзувчилар уюшмаси, Бадийи академия, маҳаллий ҳокимликлар мазкур тадбирларни юқори даражада ўтказиш чораларини қўриши лозим.

Хурматли дўстлар! Жаҳон тарихи шундан далолат берадики, ҳар қандай янги цивилизация, янги Ўйғониш даври китоб ва кутубхоналардан бошланади. Биз ҳам янги Ренессанснинг илк қадами сифатида Тошкент шаҳрида замонавий, муҳташам кутубхона барпо этсак, нима дейсизлар? Бу маърифат саройи илм-фаннинг сўнгги ютуқлари асосида жиҳозланади. Бу даргоҳда юртимиз ва жаҳондаги энг нодир, ноёб ва бебаҳо асарлар жамланади. У буюк аждодларимизнинг бой мероси ва номларини бутун дунёга тараннум этадиган, барча юртдошларимиз, биринчи навбатда, сиз, қадрли фарзандларимиз учун чинакам зиё масканига, ғурур ва ифтихоримиз рамзига айланади, деб ишонаман.

Азиз ёшлар! Мана, яқинда мамлакатимизнинг спорт ҳаётида қувончли янгилик бўлди. Осиё Олимپия Кенгашининг қарорига кўра, 2025 йилда Ёшлар ўртасидаги Осиё уйинларига Тошкент шаҳри мезбонлик қилиши белгиланди.

Бу мусобақада Осиё қитъасидаги 45 та давлат ёшлари 20 га яқин спорт тури бўйича ўзаро беллашадилар. Бундай нуфузли халқаро спорт ўйинларининг Ўзбекистонда биринчи мартаба ўтказилиши барчамизга фахр-ифтихор бағишлайди, албатта. Шу билан бирга, у бизга гоят катта масъулият ҳам юклайди. Мана, сизлар каби навқирон ва азамат ёшларнинг ўз куч ва маҳоратини кўрсатиб, Ватанимиз байроғини юксакларга кўтаришлари учун яна бир зўр имконият!

Шу муносабат билан ушбу спорт байрами-ни юқори савияда ўтказиш ва унга иқтидорли ёшларимизни тайёрлашга ҳозирданоқ кири-ишимиз лозим. Шу мақсадда, Осиё уйин-лари дастурига киритилган спорт турлари бўйича туман, шаҳар, вилоят ва республика чемпионатлари, “Ҳоким кубоги” мусобақаларини ташкил этиш керак.

Вазирлар Маҳкамаси ушбу масала бўйича тегишли қарор лойиҳасини икки ой муддатда тайёрлаб киритсин.

Юртимизда ёш авлоднинг жисмоний ва маънавий етук бўлиб улғайиши, жумладан, уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил қилиш, оммавий спортга кенг жалб этиш мақса-дида **“Соғлом турмуш тарзи”** электрон плат-формаси ишлаб қилинмоқда. Ҳудудларда пиеда ва велосипедада юришга мўлжалланган **“Саломатлик йўлаклари”** барпо этилмоқда. Кейинги йилларда маҳаллалардан ташкил этилган спорт майдончалари ёшларнинг се-вимли масканига айланди. Бу ишларни яна-ти ривожлантираамиз. Айни пайтда, мактаб спорт залларидан дарсдан ташқари вақтлар-да ҳам унумли фойдаланиш чоралари кўри-лади.

Бундан ташқари, 2021 йилдан бошлаб ёшлар ўртасида ҳар йили **“Жисмоний тайёргарлик даражаси”** спорт синовларини ўт-казиш тизими йўлга қўйилади. Ушбу синов та-лабларини бажарганларга спорт разрядлари берилади, муддатли ҳарбий хизматга бориш ва “Темурбеклар мактаби”га киришда имтиёз-лар жорий этилади.

Энг муҳими, мана шундай синовларда то-ланиб, иродаси чиққичан фарзандларимиз жисмоний ва маънавий жиҳатдан баркамол инсонлар бўлиб воёга етади.

Бир пайтлар “Ватанпарвар” ташкилоти ёшларга нафақат ҳарбий соҳада, балки катта ҳаётда ҳам зарур бўладиган мусобақа ва спорт ўйинларини ташкил этарди, уларни техник касбларга ўргатарди. Шу сабабли, йи-гит-қизларимиз ўртасида унга қизиқиш юқори эди. Афсуски, кейинги пайтларда унинг фао-лияти сусайиб кетди. Ташкилотнинг аввалги нуфузини тиклашимиз зарур.

Шаҳар ва туман ҳокимлари, сектор раҳ-барларига, ҳар бир ҳудуд ва соҳа кесимида “Ватанпарвар” ташкилоти базасида ёшларни меҳнат бозорига эҳтиёж юқори бўлган касб-ларга ўқитиш вазифаси топширилади.

Азиз фарзандларим!

Ёшлар тарбияси ҳақида гап кетганда, яна бир муҳим масалага эътибор қаратишингизни истардим. Мен бу ўринда ёшлар маънавияти билан боғлиқ айрим муаммоларни назарда тутяпман.

Ўзингиз гувоҳсиз, жаҳоннинг кўплаб минта-қаларида ҳамон кескин вазият сақланиб қол-моқда. Турли низо ва зиддиятлар авж олмоқда.

Ҳозир бутун дунёда терроризм, экстре-мизм ва бошқа таҳдидлар Интернет макони-га кириб, мослашиб олган. Шунинг учун уларга қарши курашиш осон кечмаяпти.

Афсуски, баъзи ёшларимизда Интернет-дан тўғри фойдаланиш қуникима ва маданияти етарли эмас. Айрим йигит-қизлар Интернет-ни ахборот, билим ва маърифат манбаи деб эмас, балки шунчаки кўнгилочар восита деб билишади.

Мана шундай мафкуравий кураш шароити-да ёшларимиз сезгир ва огоҳ бўлиши, ҳар бир масалада, аввало, Ватан манфаатини ўйлаб иш тутиши зарур.

Илм-маърифат ва касб-хунарга интилиш, оилани муқаддас билиш, маънавий поклик, катталарга ҳурмат, кичикларга шафқат, эзгу қадриятларга садоқат каби фазилатлар азалдан халқимиз ва миллатимизнинг қонида бўлиб келган. Биз мана шундай бебаҳо меросимизни нафақат асрашимиз, балки уни янада бойитишимиз, келгуси авлодларга безавол етказишимиз керак.

Шу ўринда, мен ҳурматли ота-оналар, бобо-ларимиз ва момоларимизни, жонқуяр устоз ва мураббийларни, муҳтарам зиёлиларимиз, кенг жамоатчилигимизни бу масалага бефарқ бўл-масдан, ёшлар тарбиясига қаратилган ишлари-мизни янада кучайтиришга даъват этаман.

Қанчалик қийин бўлмасин, биз ёшлар тарбияси бўйича ўзимизга хос ва таъсирчан, бугунги кунга ҳамоҳанг усулларни излаб то-пишимиз керак. Жондан азиз фарзандлари-мизни бузгунчи ва зарарли гоёлар, киноят-чилик, гиёҳвандлик, лоқайдлик, маънавий қашшоқлик, истеъмолчилик кайфиятидан асрашимиз зарур. Бундай салбий ҳолатлар-ни бартараф этишда барчамиз, аввало, сиз, азиз ёшлар фаол бўлишингиз керак.

Халқимизнинг маънавий қудрати ва бо-қий қадриятларини асраб-авайлаш ва бу-тун дунёга тараннум этишга сизлар албатта қодирсиз.

Қадрли ёш дўстларим! Мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсатини тўлақонли рўёбга чиқариш учун бундан кейин ҳам барча ресурс ва имконият-ларни кенг сафарбар қиламиз. Биз учун бу борада майда масаланинг ўзи йўқ. Сизлар-нинг келажагингиз билан боғлиқ ҳар қандай вазифа — бирламчи аҳамиятга эга.

Ёшлар билан ишлаш Президентдан тор-тиб вазиргача, ҳокимдан тортиб маҳалла раисигача — ҳаммамизнинг энг асосий ишимизга айланиши зарур.

Бундан буён барча даражадаги раҳбарлар фаолиятига ёшлар билан ишлаш, уларнинг муаммоларини бартараф этиш юзасидан амал-га оширган ишларига қараб баҳо берилади.

Фурсатдан фойдаланиб, яна бир бор та-коррлайман. Ёшлар тарбияси билан, уларнинг муаммоларини ечиш билан бугун шуғуллан-масак, эртага кеч бўлади. Бу, аввало, ёш ав-лодимизга нисбатан хиёнат бўлади.

Ҳар қайси ҳоким, ҳар бир вазир, ҳар қайси маҳалла раиси: **“Бугун мен ёшлар учун нима иш қилдим? Эртага ёшлар манфаати**

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ БИРИНЧИ ФОРУМИ ИШТИРОКЧИЛАРИНИНГ МАМЛАКАТИМИЗ ЁШЛАРИГА МУРОЖААТИ

Хурматли ёшлар, азиз тенгдошлар!
Мамлакатимиз ҳаётидаги унутилмас тарихий воқеа — юртимизда биринчи бор ташкил этилган Ўзбекистон ёшлари форуми ғоят кўтаринки ва амалий руҳда бўлиб ўтди.

Айниқса, муҳтарам Президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг анжуманда сўзлаган сермазмун нутқи барчамизда қизгин таассурот қолдирди.

Давлатимиз раҳбари ёшларни Ватанимизнинг энг катта бойлиги ва бебаҳо хазинасига қиёслагани, мард ва фидойи тенгдошларимизнинг синовли кунларда кўрсатган мардлиги ва жасоратини юксак эътироф этгани бизни нихоятда руҳлантирди.

Айни пайтда, Ўртбошимизнинг ёш авлодга улкан ишончи, эътибори ва ғамхўрлиги зиммамизга жуда катта масъулият юклатди.

Барчангиз гувоҳсиз, сўнги йилларда мамлакатимизда — янги Ўзбекистонда ёшларга муносабат бутунлай ўзгарди.

Ёшларга доир давлат сиёсати асосида ёш авлоднинг ҳаётий манфаатларини таъминлаш, уларнинг эзгу орзу-интилишлари, қобилият ва истеъдодини рўёбга чиқаришга қаратилган ислохотлар изчил ва самарали амалга оширилмоқда.

Бизнинг илгор билим ва касб-хунарларни пухта эгаллаб, етук мутахассис, чинакам ватанпарвар

инсонлар бўлиб камол топишимиз учун ҳамма шароитлар яратиб берилмоқда.

Қўллаб-тенгдошларимиз парламентда, ҳукумат аъзолари сафида, давлат бошқаруви органларининг масъул лавозимларида, замонавий корхоналарда, кичик бизнес ва тадбиркорлик, илм-фан, соғлиқни сақлаш, маданият, санъат ва спорт соҳаларида — ҳаётимизнинг барча жаҳазларида жўшқин фаолият олиб бормоқда.

Бугун Ватанимизнинг келажагини белгилаб берадиган, янги Уйғониш даврининг асосини ташкил этадиган ҳал қилувчи соҳа — таълим-тарбия тизими жадал ривожланмоқда.

Ҳаётда синовдан ўтган миллий ва хорижий таърибалар асосида янги-янги билим, санъат ва спорт масканлари барпо этилмоқда. Президент мактаблари, ихтисослашган ҳамда ижод мактабларида юзлаб истеъдодли ўғил-қизлар замонавий таълим-тарбия олмақда, маҳорат сирларини эгалламоқда.

Бугунги учрашувда давлатимиз раҳбари томонидан билдирилган муҳим фикрлар, хусусан, иқтидорли талабалар учун Президент гранти таъсис этилиши, республикамиздаги хорижий олий ўқув юртларининг бакалаврият босқичи талабалари учун ҳам Президент ва давлат стипендияларининг жорий қилиниши, икки ва undan ортиқ фарзандини шартнома асосида ўқитаётган

оилаларга имтиёзли таълим кредити берилиши ва бошқа янгиликлар бизни жуда қувонтириб юборди.

Президентимиз ўз нутқида ёшларни қўллаб-қувватлашга қаратилган қўллаб-қўллаш, жумладан, ёшларни иш билан таъминлаш, уларнинг тадбиркорлик ва ишбилармонлик қобилиятини ривожлантириш бўйича илгари сурган ғоялар айни бизнинг кўнгилмиздаги иш бўлди.

Хусусан, “Ёшлар: 1+1”, “Хар бир тадбиркор — ёшларга мададкор”, “Ёшлар кичик саноат зоналари”, “Лойиҳалар фабрикаси”, “Ёшлар технопарклари”, “Ёшлар муҳожаати” электрон платформаси сингари янги-янги ташаббуслар ҳаётимизда муҳим аҳамият касб этади.

Президентимиз томонидан ёшларни уй-жой билан таъминлаш, уларни мустақил ҳаётга тайёрлаш, оилани мустаҳкамлаш, ажримларнинг олдини олиш каби долзарб масалаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Айни пайтда, Ўртбошимиз беш муҳим ташаббусни изчил амалга ошириш, истеъдодли болаларнинг қобилиятини рўёбга чиқариш, ёш авлоднинг жисмоний ва маънавий етук бўлиб улғайиши, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси бўйича олдимизда турган энг долзарб вазифаларни белгилаб берди.

Айниқса, давлатимиз раҳбарининг ёшларга қарата айтган қуйидаги сўзлари ҳаммамизни чексиз тўлқинлантирди:

“**Илмни қадрланг, илмга интилинг! Бир сония вақтингиз ҳам бекор ўтмасин! Ёшлик — умрнинг энг бебаҳо даври. Илм ва билим — ўтда ёнмай-диган, сувда чўкмайдиган, ҳеч ким сиздан тортиб ололмайдиган бойлик эканини асло унутманг!**”

Тарих ҳақиқати ва катта ҳаёт тажрибаси билан йўриқланган бу сўзлар биз учун бир умрлик ҳаёт дастури бўлиб қолади.

Халқимиз, давлатимиз, муҳтарам Президентимизнинг биз, ёшларга юксак эътибори ва ишончини оқлаш, бу ғамхўрликка ҳар томонлама муносиб бўлиш учун ўз устимизда жиддий ишлашимиз, қаттиқ меҳнат қилишимиз лозимлигини ҳар биримиз чуқур масъулият билан англаб турибмиз.

Азиз дўстлар, азму шижоатли тенгдошлар!

Бугун она халқимиз, жонажон Ватанимиз, азиз Президентимиз онгу тафаккури озод авлоддан буюк ишларни кутмоқда. Мамлакатимиз олдида турган юксак мақсадлар йўлида ёшларга ҳал қилувчи кўп сифатлида қаралмоқда.

Барчамиз зиммамиздаги улкан масъулият ва жавобгарлиқни ҳис қилиб, Ватан манфаатлари йўлида янада бирашшиб, том маънодаги тарихий вазифани шараф билан адо этайлик!

Эл-юртимизнинг, Президентимизнинг, ота-оналаримиз, устоз-мураббийларимизнинг бизга билдираётган юксак умид ва ишончларини амалий ишлар билан — аъло ўқиш, аъло меҳнат, аъло хулқу одобимиз билан оқлайлик!

Биз бунга қодирмиз. Чунки биз — Хоразмийлар, Фарғонийлар, Беруний ва Ибн Сино, Улугбек, Навоий ва Бобурлар, Бухорийлар, Термизийлар авлодимиз.

Ишнотириб айтмамизки, биз ана шундай буюк аждодларимизга ҳар жиҳатдан муносиб бўламиз.

Ҳозирги нотинч ва мураккаб даврда, глобаллашув ва рақобат муҳитида доимо сезгир ва оғоҳ бўлиб яшашга сиз, азиз дўстларимизни даъват этамиз.

Ҳаётдаги ҳар қандай синов ва қийинчиликларни шижоат ва қатъийат билан енгиб ўтиб, она Ватанга садоқат билан хизмат қилиш ҳаётий мақсад ва масъулиятга айланин!

Азиз Ватанимизнинг ҳақиқий таянчи ва суянчи бўлиб, юртимизда янги Ўзбекистонни, янги Ренессансни яратишга муносиб ҳисса қўшайлик!

Дунёдаги энг улғу бахт — эл-юрт ишончига сазовор бўлиш барчамизга насиб этсин!

Биз — Ўзбекистон ёшларига кўрсатаётган оталарча ғамхўрлиги учун хурматли Президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёевга чексиз миннатдорлик билдирамиз.



Бошланиши 1-бетда

Барча ислохотлар жозибадорлиги, аввало, иқтидорли ёшларнинг куч-ғайрати, азму шижоати билан янада таъсирли бўлиши ойдек равшан. Шу маънода, Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш учун таълим ва маданият даргоҳлари фаолиятини такомиллаштиришга асосий эътибор қаратилаётир.

Давлатимиз раҳбари коронавирус пандемияси даврида ёшлар фидойилигига ҳам юксак баҳо берди. Халқимиз дардига дармон бўлган, хайрия



Ҳамма йўлдошлар билан сўрашлар.

ва саховат тадбирларида фаол қатнашиб, қийналган оилаларга амалий ёрдам берган ёшларнинг ота-оналарига, устоз-мураббийларига самимий миннатдорлик билдирди.

Ўзбекистон — ёшлар мамлакатиди. Азму шижоати баланд, ғоя ва ташаббуслари кўп йигит-қизлар билан ишлаш борасида бефарқлик қузатилгани ҳам бор гап. Кейинги тўрт йилда қобикча ўралган бу тизим тубдан янгиланди. Ёшларни эшитиш, уларнинг муаммоларини ҳал қилиш, орзу-умидлари, ташаббусларини рўёбга чиқариш жараёни бошланди.

Президент Шавкат Мирзиёев бу борадаги ишларни янги босқичда давом эттиришни, ёшларга оид давлат сиёсатида қўйилган янгиликларни айтган чоғда форум иштирокчиларининг кўзлари чақнаб, қалбида Ватанга жўшқин муҳаббат ҳисси қайнарди.

Форумда Тошкент шаҳри таърибаси мамлакат бўйлаб жорий этилиши айтилди. Шунга қўра, бундан буён ҳокимлар, вазиirlар ва масъул раҳбарлар ёшлар билан учрашувларни мунтазам равишда йўлга қўяди. Ҳокимлар ёшлар

Президент ёшларни тадбиркорликка жалб қилиш ҳам ғоят муҳим вазифа эканини таъкидлади. Тадбиркор ёшлар сафини кенгайтириш ҳақида айтилди.

Ўқишни тамомлаган ёшларни иш билан таъминлаш масаласи ҳам долзарб. Маълумки, ҳозирги вақтда Андижон, Фарғона ва Наманган вилоятларида 7-11-синф ўқувчиларига таълим бериш билан бира, уларни камида битта касбга ўргатиш амалиёти жорий этилган.

Бу борада амалга оширилаётган ишлар ҳақида Андижон вилояти ҳокими Шухрат Абдурахмонов маълумот берди.

Ҳоким сўзларига қўра, вилоятда олий ўқув юртлари, касб-хунар коллежлари қирмаган мактаб битирувчиларининг аксарияти иш билан таъминланган. “Ёшлар дафтари” асосида аниқланган 36,5 минг ишсиз йигит-қизнинг бандлигини таъминлаш ишлари қизгин паллада.

Президент Шавкат Мирзиёев ёшлар бандлигини таъминлаш, ижтимоий ҳимоя муҳтож оилалар фарзандларини қўллаб-қувватлаш ва ёш оилаларни уй-жой билан таъминлаш каби устувор

Давлат РАУПОВ, И.М.Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университетининг Тошкент шаҳридаги филиали талабаси:

— Давлатимиз раҳбари ўз нутқида замонавий илм-фан ва юқори технологияларни мукамал эгаллаш ёшлар учун сув ва ҳаводек зарурлиги, бунинг учун барча куч ва имкониятлар ишга солинишини билдирди. Ўзим мисолимада айтадиган бўлсам, олис Қашқадарёдан келиб, шундай нуфузли олий ўқув юртида тахсил оляман. Бундан ташқари, дастурлаш соҳасини пухта эгаллаб, бугунги кунда хорижий компанияларга фрилансёрлик ҳам қиламан. Шунинг ўзи бугун ёшлар учун шароитларнинг қай даражада эканини кўрсатади.

Соҳада мутлақо янги тизим — Президент ва ижод мактаблари, математика, кимё, биология фанларига ихтисослаштирилган мактабларнинг ташкил этилиши, ёшларга IT технологияларни чуқур ўргатадиган таълим масканлари сони тобора кўпайиб бораётгани ҳам фикримизни исботлайди. Бу ишларнинг илк медалари биз, ёшларнинг ютуқлари ва улкан мақсадларида бўй кўрсата бошлади. Сўнги уч йилда тенгдошларим нуфузли халқаро танлов ва мусобақаларда беш ярим



Ҳилола БОБОЖОНОВА, Урганч давлат университети талабаси, Туркия, Туркменистон, Озарбайжон, Жанубий Кореяда ўтган фестивалларда мақом йўналиши бўйича Гран-при соҳибаси:

— Президентимиз биз, ёшларга: “Сизлар кўп китоб ўқиган, билимли авлод сифатида юртимиз ўрнинида жаҳон цивилизацияси бешиқларидан бири бўлганини яхши биласиз. Сиз Хоразмийлар, Фарғонийлар, Беруний ва Ибн Сино, Улугбек, Навоий ва Бобурлар, Бухорийлар, Термизийлар авлодсиз”, дея гурур билан юзланди. Ана шу гурурнинг ўзи, буюклигимизга ишора қилувчи гаплар бизни ғоят тўлқинлантириб юборди.

Бугун қайси соҳага кириб келишдан қатъи назар, ҳар бир ёш, аввало, шу соҳада маълуми машҳур бўлган аждодларимиз, буюкларимиз шахсига назар солсалар, улардан алоҳиди бир куч олишларига шубҳа йўқ. Қўллаб-қўллаб давлатларда мақом йўналишида Гран-при соҳибаси бўлганим учунми, ўзбек мақом санъати даргалари йўлини чуқурроқ ўргангил келаверади. Шу маънода, мамлакатимизда мақом санъатини

мукамал ўргатиш борасида қўлинаётган ишлардан бағоят миннатдорман. Айниқса, Юнус Ражабий номидаги мақом олийгоҳининг ташкил этилиши маданият ва санъатни юксалтириш йўлидаги энг эзгу ишлардан бири бўлди. Эндilikда бу ерда мақом йўлини танлаган ёшлар бой тажриба ва юксак салоҳиятли мақом устalarидан сабоқ олишга мурасар бўлди.

Форумда Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигига мобилъ электрон дастур ишлаб чиқиш, шунингдек, Абдулла Орипов, Ўткир Ҳошимов, Ботир Зокиров каби атоқли ижодкорларнинг юбилейларини муносиб нишонлашга ҳам алоҳида тўхталиб ўтилди. Буларнинг барчаси келаятган йил адабиёт ва санъат учун ҳар доимидан-да муҳим йил бўлишини аналатади. Президентимиз таъкидлаганидек, сўз — гул, иш — мева, деган ҳикमत бу йўлда бизга маёқ бўлади.

ларни ёшлар, уларнинг ота-оналари катта хурсандлик билан кутиб олди.

Форум хушхабарларга бой бўлди. Президентимиз Тошкент шаҳрида замонавий муҳташам кутубхона барпо этиш тақдирини айтди. Шунингдек, Осиё Олимпиади Кенгазининг қарорига қўра, 2025 йилда Ўзбекистон тарихида биринчи марта ёшлар ўртасидаги Осиё ўйинларига Тошкент шаҳри мезбонлик қилиши маълум қилинди.

— Халқимиз, ватанимиз сизлардан буюк ишлар қўлаётганини ҳеч қачон ёдингиздан қутарманг! Ўртинг юксак ишончи ва умидини тўла оқлаш, унга муносиб бўлиш дунёдаги энг улғу бахтдир. Шундай шараф бачангизга насиб этсин, — деди Президент Шавкат Мирзиёев.

Алишер МИРЗАЕВ, Бухородаги “Alfa invest” МЧЖ раҳбари, халқ депутатлари Қоровулбозор тумани кенгаши депутати:

— Бугун ўз тенгдошларига ибрат бўлаётган, жамиятдаги янгилашувлар жараёнида фаол иштирок этаётган ёшларимиз жуда кўп. Лекин ҳаётда ўз ўрнини топишга қийналаётган, адашган, қўмакка муҳтожлар ҳам йўқ эмас. Мулоқотда барча масалалар қаторида ёшлар бандлигига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Бунда ёшлар, айниқса, уларнинг уюшмаган қатлами билан масъулият ўртасида тўғридан-тўғри мулоқот ўрнатишга хизмат қиладиган “Ёшлар муҳожаати” электрон платформасини яратиш вазифаси топирилгани таъкидланди.

Иш билан таъминлашда навқирон авлод вакилларида бизнес кўнималарини ривожлантириш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Яқинда ўтказилган ижтимоий сўровлар эса аксарият ёшлар

римизда ижобий мотивация, бизнес ва тадбиркорлик соҳасида зарур билим ва малака етишмаслигини кўрсатди. Шундан келиб чиқиб, Президентимиз касб-хунар ҳамда тадбиркорлик кўнималарига ўқитиш орқали махсус сертификат олган ёшларга Марказий банкнинг асосий ставкасидан 4 фоиз паст ставкада микрокредитлар ажратиш юзасидан зарур чоралар қўрилиши, бу кредитлар 7 йил муддатга 3 йил имтиёзли давр билан берилишини маълум қилди. Ушбу мақсадлар учун 2021 йилда 45 миллион доллар ажратилиши, шунингдек, ёшларнинг тадбиркорлик лойиҳалари учун Оилавий тадбиркорлиқни ривожлантириш дастури доирасида ҳар бир вилоятга 100 миллион сўмдан кредит маблағлари йўналтирилиши қайд этилди.

Улугбек АСРОПОВ, “Янги Ўзбекистон” муҳбири



Ўткирбек ШУКУРОВ, Андижон вилояти ҳокимининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари:

— Президентимизнинг нутқи нафақат ёшлар, балки раҳбарлик лавозимидagi ҳар бир инсон учун муҳим дастуриламал бўлади. Сабаби, бугунги йирки тадбирда ҳеч бир соҳа эътибордан четда қолмади. Нафақат ёшларга, балки ҳукумат вакиллари ҳам тегишли вазифалар юкланди.

Ушбу тарихий кун чиндан очиқ ва самимий ўтди, десам муболага бўлмайди. Вилоят ёшларига масъул шахс сифатида мен масофаий иштирок этаётганларда ҳам, пойтахтимизда бўлиб турган ёшларда ҳам тортишни, фикрларни айтишда иқликланиш каби ҳолатларни

қўзғатмадим. Аксинча, аввалгидан кўра кўчли, журъатли ҳамда билимли ёшлар кўпайганини ҳис қилдим. Бу, албатта, келажакда барча соҳада етук кадрлар етишиб чиқишга пойдевор вазифасини ўтайди.

Давлатимиз раҳбари томонидан келгуси йил май ойида Андижон таърибаси мисолида кенг қўламда ёшлар анжуманини ўтказиш кўрсатмаси берилди. Бу Андижон ёшларига билдирилган катта ишонч демакдир. Ушбу йўлда режалар, тизимли ишлашга, билдирилган юксак ишонччи бирдамликда оқлашга ҳаракат қиламиз.

Қарор ва ижро

ЎЗБЕКИСТОН 125 ПОҒОНА ЮҚОРИЛАДИ

ДУНЁДАГИ 2600 ДАН ОРТИҚ ОЧИҚ МАЪЛУМОТЛАР ПОРТАЛИНИНГ ТЎЛИҚ РЎЙХАТИНИ ҚАМРАБ ОЛГАН “OPEN DATA INSERTION” ЯҚИНДА ЭЪЛОН ҚИЛГАН МАЪЛУМОТГА КЎРА, ДУНЁ ДАВЛАТЛАРИ ОРАСИДА 2020 ЙИЛДА МАМЛАКАТИМИЗ 63 БАЛЛ ЙИҒИБ, ҚАРИЙБ 125 ПОҒОНА ЮҚОРИЛАДИ ВА ЖАҲОН БЎЙИЧА 44, МАРКАЗИЙ ОСИЁДА 1-ЎРИННИ ЭГАЛЛАДИ

Мамлакатимизни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, Президентимизнинг шу асосда қабул қилинган қарорларида замонавий ахборот-коммуникация технологиялари асосида давлат органлари ва ташкилотлари маълумотлари очиклиги ва сифатини ҳамда мамлакатимизнинг дунё рейтингларидаги нуфузини оширишга алоҳида эътибор қаратилди. Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 23 декабрь кuni қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасида очик маълумотлар соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳам ана шу мақсадларга хизмат қилади.

ТАЛАБ-ТАМОЙИЛЛАР ВА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИШЛАР

Очиқ маълумотлар деганда, давлат ва маҳаллий ўзини ўзи идора қилиш органлари фаолияти тўғрисида интернет тармоғида маълумотлар массиви форматинда жойлаштирилган, инсон томонидан олдиндан асгартириш киритилмасдан (машина ўқийдиган) фойдаланиладиган ва автоматлаштирилган тарзда ишлов берилишини таъминлайдиган ҳамда эркин (бепул) фойдаланиладиган маълумотлар тушунилади.

Бу ишларни тизимли йўлга қўйиш, энг аввало, қонуний талаблардан келиб чиққан ҳолда, очик, бепул ва машинада ўқиладиган форматларда тайёрланган маълумотлар тўпламларини шакллантириш, ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли эълон қилиш, шунингдек, улардан фойдаланиш қамровини кенгайтиришни тақозо этади. Қолаверса, бу ишлар ахборотдан фойдаланувчиларнинг барча тоифалари учун тенг имкониятларни яратиш, уларнинг очик маълумотларни излаш, таққослаш ва самарали қайта фойдаланишини қўллаб-қувватлаш учун очик маълумотларни стандартлаштирилган таркиб ва форматда тақдим этиш ҳамда ўзаро боғлиқлигини таъминлаш, самарали бошқарув ва фуқароларни жалб этиш, ҳар томонлама ривожланиш ва инновацияларга қаратилган бўлиши зарур.



Ана шу мақсадларни назарда тутган ҳолда, Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 7 августдаги тегишли қарорига биноан, мамлакатимизнинг Очик маълумотлар портали ишга туширилди. Бу портал бугунги кунда Ўзбекистон Республикасининг интернет тармоғидаги ҳукумат портали доирасида фаолият кўрсатуви ҳамда давлат органлари ва ташкилотларининг очик маълумотларини жойлаштириш учун мўлжалланган, бу ахборотларни эълон қилишда ва улардан фойдаланишда портал оператори, очик маълумотларни етказиб берувчилар ва фойдаланувчилар ўртасида ўзаро ҳамкорлиқни таъминловчи data.gov.uz электрон манзилида жойлашган ахборот ресурси ҳисобланади.

— Ҳозирги пайтга қадар порталда 149 та вазирлик ва идоранинг маълумотлар тўпламлари жойлаштирилди, юқлаб олишлар сони эса 7 миллиондан ошди, — дейди Давлат статистика қўмитаси бошқарма бошлиғи Ақром Султонов. — 60 дан ортиқ давлат органининг 1 473 та маълумотини ўз ичига олган очик маълумотлар тўплами рўйхатининг янги-ланган варианты ишлаб чиқилди ҳамда

тасдиқланди. Улардан 1 096 таси Давлат статистика қўмитаси томонидан жойлаштирилладиган маълумотлар тўпламидир. Бундан ташқари, вазирлик, идоралар ва ҳудудий ҳокимият органлари томонидан, фойдаланувчиларнинг талабларини инобатга олган ҳолда, қўшимча маълумотлар тўпламлари ҳам порталга жойлаштирилиб боришмоқда. Агар улар сони 2019 йил бошида 4 мингга яқин бўлса, ҳозирги кунга келиб 10,5 мингга етиб қолди. Улар ўзбек, рус ва инглиз тилларида жойлаштириб бориляпти.

Дунёдаги 2600 дан ортиқ очик маълумотлар порталининг тўлиқ рўйхатини қамраб олган “open data insertion” яқинда эълон қилган маълумотга кўра, жаҳон мамлакатлари орасида 2020 йилда Ўзбекистон 63 балл йиғиб, қарийб 125 поғона юқорилади ва жаҳон бўйича 44, Марказий Осиёда 1-ўринни эгаллади. БМТнинг “Электрон ҳукумат кўрсаткичи — 2020” да “Очиқ ҳукумат маълумотлари индекси” бўйича Ўзбекистон энг юқори (Very High OGD) кўрсаткичга эга бўлган 41 та мамлакат орасидан жой олди.

Яна шу жиҳатни эътироф этиш жоизки, “Электрон ҳукумат кўрсаткичи — 2020”

БМТнинг Иқтисодий ва ижтимоий ишлар департаменти томонидан ҳар икки йилда бир марта эълон қилинади. Бу БМТга аъзо барча давлатларнинг электрон ҳукумати ривожланиш даражасини баҳолайдиган ягона глобал ҳисобот саналади.

Қўмитанинг расмий веб-сайти эса Буюк Братияда жойлашган нуфузли Очик маълумотлар институти томонидан бериладиган энг юқори — “Platinum” даражага эришди.

DATA.GOV.UZ ПОРТАЛИ ҚАНДАЙ ИШЛАШИ КЕРАК?

Президентимизнинг 2019 йил 9 апрелдаги “Давлат бошқарувиининг очиклиги ва шаффофлигини таъминлаш ҳамда мамлакатнинг статистика салоҳиятини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига биноан, Давлат статистика қўмитаси зиммасига давлат



O'zbekiston Respublikasi
ochiq ma'lumotlar portali

органлари ва ташкилотларининг очик маълумотлар тўпламлари рўйхатини шакллантириш, юритиш ва янгилаш ҳамда тегишли ахборотларнинг data.gov.uz порталида ўз вақтида ифодасини топиши бўйича фаолиятини мувофиқлаштириш вазифаси юкланган.

Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида очик маълумотлар соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан 2021-2025 йилларда Ўзбекистонда очик маълумотлар соҳасини ривожлантириш концепцияси тасдиқланди. Унда соҳани ривожлантиришнинг асосий устувор йўналишлари белгиланди.

— Мазкур концепцияга кўра, биринчидан, очик маълумотларнинг норма-тив-хукукий базалари такомиллаштирилиши лозим, — дейди Ақром Султонов.

— Иккинчидан, маълумотларнинг очиклигини методик, ташкилий ва ахборот-технологик жиҳатдан қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилади.

Бунинг натижасида давлат органлари фаолиятининг шаффофлиги ва ҳисобдорлигини ошириш, назорат қилиш ва мониторинг олиб бориш имконияти орқали фуқаролик жамиятини ривожлантириш, “Очиқ ҳукумат” концепциясини амалга ошириш учун ахборот базасини яратиш, интернет тармоғида очик маълумотлар шаклида фаолият кўрсатган иловалар ва хизматлар бозорини шакллантиришга қўмаклашиш, ижтимоий фойдаланиш хизматлари ишлаб чиқишда бюджет харажатларини тежашга эришилиши зарур.

Бюджет харажатлари тежалишини халқро экспертлар ҳам тасдиқлайди. Уларнинг тадқиқотларга кўра, ривожланган мамлакатлар ҳукуматларининг 7 та

давлат секторига оид очик маълумотларни аҳолига бепул ва қулай тақдим қилиши бир йилда давлат бюджетининг ўрта ҳисобда 3-5 триллион, транспорт тизимига оид ахборотлар тармоқлари шакллантирилиши эса 700-900 миллиард АҚШ долларигача бўлган маблағни тежаш имкониятини беради.

Қўмита зиммасига яна бир масъулиятли вазифа юклатилди. Уч ой мобайнида манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда очик маълумотлар соҳасидаги халқаро рейтинглар, хусусан, “Очиқ маълумотлар глобал индекси” ва “Очиқ маълумотлар барометри” рейтингларида мамлакатимиз иштирокини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг Халқро очик маълумотлар хартиясига қўшилиши бўйича зарур чораларни кўриш лозим.

Шунингдек, очик маълумотлар бўйича ҳамжамиятни шакллантириш ва интернетда очик маълумотлардан фойдаланган ҳолда фаолият кўрсатган дастурий маҳсулотлар ва хизматлар бозорини яратиш ва такомиллаштириш, давлат-хусусий шериклиқни мустаҳкамлаш мақсадида “Open Data Challenge” ва “Хакатон” тадбирларини мунтазам равишда ўтказиш чораларини кўриб бориш зарур.

2021 йил 1 августгача Очик маълумотлар порталининг янги талқини ишлаб чиқилиб, ишга туширилади. Унда маълумотларни стандартлаштирилган шаклда юритиш, интерактив харитага объектнинг географик жойлашув маълумотларини киритиш талаб этилади. Шу билан бирга, очик маълумотлар тўпламларида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг эҳтиёжларини ҳисобга олиш механизми ҳамда очик маълумотлар тўпламларини ўз вақтида жойлаштириш ва уларни янгилаш устидан назорат қилиш имконияти яратилади. Бунга Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги асосий масъул бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг Очик маълумотлар порталига эгаллик қилувчи, уни техник қўллаб-қувватлаш ва таъминлаш ҳамда узлуксиз ишлаб туриши учун жавобгар ҳисобланади.

Вазирлар Маҳкамаси қарорига белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида бажарилиши самараси ўлароқ, Очик маълумотлар портали мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар самараларини ўзида акс эттирадиган, айна чогда давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини янада кучайтиришга хизмат қиладиган муҳим ахборот ресурсига айланди, юртимизнинг ошқоралик ва шаффофлик борасидаги нуфузи жаҳон рейтингларида янада ошишини таъминлайди.

Усмон АБДУРАСУЛОВ,
Давлат статистика қўмитаси
ахборот хизмати раҳбари,
Абдурауф ҚОРЖОВОВ,
иқтисодий шарҳловчи

Эзгулик

ОЙЛАЛАРГА КИРАЁТГАН ҚУВОНЧ — САХОВАТ МЕВАСИ



Нуриддин ХОЛИҚНАЗАРОВ,
Тошкент шаҳар бош имом-хатиби

Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт даврида Президентимиз раҳбарлигида амалга оширилаётган ислохотлар қўламини ғоят кенг ва мохиятан инсонпарвар экани бу йилги пандемия даврида янада яққол намоён бўлмоқда.

Гап шундаки, йил бошида, аниқроғи, март ойининг иккинчи ярмида бутун дунёда бўлгани каби коронавирус касаллиги туфайли юртимизда ҳам қатъий карантин чоралари кўчатирилди. Шундай қилин давларда иқтисоди анча бакуват давлатлар ҳам ўзининг аҳолисига кўрсата олмаган хайро саховат тадбирлари юртимизнинг ҳар бир ҳудудидда амалга оширилди. Бунда ҳеч бир фуқаро давлат даражасидаги меҳр ва эътибордан четда қолмади.

Айни кунларда ҳам давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ижтимоий ҳимоя ва ёрдамга муҳтож аҳоли қатламларини моддий қўллаб-қувватлаш ишларида янада катта эътибор қаратилиб, эҳтиёжманд оилаларга кенг қўламли моддий ёрдамлар кўрсатишмоқда. Хусусан, пойтахтимиз туманларида эҳтиёжманд оилалар ҳолидан хабар олиш, уларга қўмак бериш йўлида жонлиқлар сўйилиб улашиш ва 12 турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатиш каби эзгу тадбирлар кўнгли кемтик юртдошларимиз кўнглиларини обод қилмоқда. Ўлкамиз бўйлаб амалга оширилаётган мана шундай хайрия тадбирларидан бутун Ўзбекистон халқи, айниқса, эҳтиёжманд оилаларнинг боши кўкка етди. Ироқлар қўшилиб азим дараёга айлангани каби саховатлар бирлашув улкан карвонини ҳосил қилди.

Бундан ташқари, имом-хатибларимиз Тошкент шаҳридаги Меҳрибонлик, Мурувват, Саховат уйларида ташрифлар асосида зарур жиҳозларни ҳада этиб, ош дастурхонларини ёзаётгани қувонч устига қувонч бўлиб қўшилимоқда.

Жоме масжидларимизда қориларимиз томонидан қилинган Қўрғон қарим хатмлари, “Вақф” хайрия жамоат фонди бош-қош бўлиб турган хайрия тадбирлари давомида қилинадиган дуо-ю илтижолар сабаб дунени саросимага солиб турган коронавирус офатини юртимиздан аритишга умид қиламиз.

Сарҳисоб

МУРОЖААТНОМА — 2020: ТАДБИРКОРЛИК РИВОЖИ ЙЎЛИДАГИ МУҲИМ ҚАДАМЛАР



Русланбек ДАВЛЕТОВ,
Ўзбекистон Республикаси
адлия вазири

“Тадбиркор бой бўлса, халқ ҳам, давлат ҳам бой бўлади”. Президентимиз томонидан илгари сурилган бу ташаббус бутун мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг муҳим йўналишига айланди. Юртимизда иқтисодийнинг эркинлаштириш, ишбилармонлик ҳаракатига кенг йўл очиш, тадбиркорлик фаолиятига тўсиқ бўлаётган муаммоларни бартараф этиш бўйича муҳим чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 25 январда Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида бу масалалар яна бир қарра таҳлил этилиб, тадбиркорларни кўп қийнайдиган соҳа — лицензиялаш ва рухсатномалар бериш тартиб-тамоийилларини тубдан қайта қўриб чиқиш, уларнинг сонини камида икки баробар қисқартириш бўйича аниқ вазифалар белгиланган бўлган эди.

Яқунланаётган йил мобайнида бу вазифаларни ижро этиш бўйича тизимли ишлар олиб борилади. Бу жараёнда, аввало, қўнучиликдаги бўшлиқларни бартараф этиш, тадбиркорлик фаолиятини ривожига кенг имконият яратадиган ҳуқуқий асосларни яратиш чоралари қўрилади.

Президентимизнинг 2020 йил 24 августда қабул қилинган “Лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-тамоийилларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони бу йўналишдаги долзарб муаммоларнинг ечимини йўлида муҳим қадам бўлди. Мазкур фармонга асосан, лицензияланадиган ва рухсатнома олиш талаб этиладиган фаолият йўналишлари сони сезиларли равишда қисқартирилди. Жумладан, қарийб 70 та лицензияланадиган фаолият йўналишлари ва 34 та рухсатномаларни бекор қилиш ёки муқобил шакллarga ўтказиш назарда тутилди. Инсон соғлиғига ва жамиятга зиён етказмайдиган фаолият турларини лицензиялашдан чиқариб ташлаш ҳамда хавфлилик даражаси

паст бўлган фаолиятни тартибга солишнинг муқобил усулларига ўтказилди. Бунда “тартибга солиш гильотиnasi” усулини қўллаш орқали айрим турдаги лицензия ва рухсатномалар бекор қилинди. Лицензия ва рухсат бериш ҳаракатидаги ҳужжатларни қисқартириш натижасида тадбиркорлик субъектларининг йилгига қарийб 40 миллиард сўм маблағлари иқтисод қилиниб, ўз ихтиёрида қолдирилди.

Соҳага илк мартабча хабардор қилиш тартиби алоҳида институт сифатида жорий этилди. Натижада 14 та лицензияланадиган фаолият йўналишлари ва 13 турдаги рухсатномалар хабардор қилиш механизмига ўтказилди. Масалан, эндиликда мактабга-ча таълим, ломбард, ветеринария даволаш, алкогольли маҳсулотлар билан чакана савдо қилиш каби фаолиятларни ваколатли органларни хабардор қилиш орқали бошлаш мумкин бўлади. Хабарнома ююришида жисмоний ҳоҳда юридик шахслар қўнун ҳужжатларида белгиланган талаб ва шартларга риоя этиш мажбуриятини ўз зиммасига олади ва фаолияти белгиланган талабларга мувофиқ келишини ўзи тасдиқлайди.

Хабардор қилиш тартибини ягона стандарт асосида амалиётга жорий этиш мақсадида ушбу соҳани тартибга солувчи ягона низоми ишлаб чиқилди ва ҳукуматга киритилди. Бу орқали барча ваколатли органларнинг ҳуқуқини қўллаш амалиётини бир қилилиги таъминланди.

Шу билан бир қаторда, сақлаб қолинаётган лицензия ва рухсатномалар ҳам товар ва хизматлар бозорига кириб келишга тўсиқ бўлувчи омиллари қисқартириш нуктаи назаридан қайта кўриб чиқилди. Жумладан, 115 та лицензия ва рухсат бериш хусусиятига эга ҳужжатларни олиш тартиб-тамоийилларини янада қисқартириш ва соддалаштиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш белгиланди ҳамда 14 турдаги фаолият бўйича ҳужжатларни расмийлаштириш муддатлари қисқартирилди.

Масалан, кредит бюросини очиш учун лицензия олишда камида 10 та тижорат банки билан кредит алмашинувини амалга оширишга розилигини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этиш талаби бекор қилинди. Айрим фаолият турлари учун устав фонди микдорига қўйиладиган минимал талаблар олиб ташланди ҳамда туроператорлар хизматларини сертификатлаштириш ихтиёрий этиб белгиланди. Шунингдек, давлат унитар корхоналари томонидан фаолиятнинг лицензияланадиган турларини тегишли лицензияни олмасдан амалга ошириш ҳуқуқи бекор бўлди.

Келгусида бу борадаги ишлар изчил давом эттирилиб лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш жараёнлари тўлиқ электронлаштирилади. Бунинг учун “лицензия” ахборот тизими ишлаб чиқилиб барча лицензия, рухсатнома ва хабарномаларни ягона портал орқали ҳужжат топшириш, қўриб чиқиш ва уни бериш амалиёти йўлга қўйилади. Ваколатли органларга мурожаат қилиш, ҳужжатларни

топшириш фақат электрон амалга оширилиши белгиланяпти. Тадбиркордан ортиқча ҳужжатларни талаб этишга чек қўйилади. Лицензия бериш учун бошқа организм маълумотномаси ёки бошқа ҳужжати керак бўлса тадбиркор иштирокисиз ваколатли организм ўзи ягона тизим орқали олади.

Яна бир муҳим янгилик, лицензия ва рухсатномаларни махсус қоғоз бланкаларда расмийлаштириш амалиётидан воз кечиб, QR-код қўйилган электрон ҳужжатлар тақдим этишга тўлиқ ўтиладиган бўлди. Бу чора-тадбирлар маъмурий тартиб-таомилларни амалга оширишдаги коррупция ҳолатларининг олдини олиш дегани.

Тадбиркорларнинг Тошкент шаҳрига келиб-кейтиши билан боғлиқ вақт ва молиявий харажатлари иқтисод қилинади. Давлатнинг махсус бланкаларни олиши бир йилда йўналтирадиган 13 миллиард сўмдан ортиқ маблағи тежалди, қоғоз сарфи камайд.

Маълумот ўрнида айтмоқчиманки, ҳозирда “Лицензия” ахборот тизимини ишлаб чиқиш ишлари яқуний босқичга келди ва 2021 йил 1 январдан ишга туширилади. Тизим орқали, аввало, биз учун янги институт бўлган хабардор қилиш тартиб-таомилларидадн ўтиш жараёнлари тўлиқ электронлаштирилмоқда. Рухсат бериш тартиб-таомилларига доир муносабатларни тартибга солувчи қонунчиликни тизимлаштириш, кодификациялаш ва норма-тив юқини қисқартириш чоралари қўрилмоқда.

Бунда 20 йил аввал қабул қилинган “Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида”ги, шунингдек, “Тадбиркорлик фаолиятини соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги қонунларни бирлаштириш орқали ягона қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди ва Вазирлар Маҳкамасига киритилди.

Шунингдек, лицензия, рухсатнома ва хабардор қилиш тартибларининг паспортлари жорий қилинмоқда. Паспортларни ишлаб чиқиш натижасида тадбиркор катта ҳажмги низомилар билан танишиб ўтиришга зарурати қолмайди. Фаолиятни амалга ошириш учун асосий маълумот ва талаблар битта ҳужжат — паспортларда акс эттирилади. Хусусан, хабардор қилиш тартибларининг паспортларини ишлаб чиқилган бўлиб, лицензия ва рухсатномаларнинг паспортларини тайёрлаш ишлари деярли яқунлашиб қолди. Таъкидлаш лозимки, бу чора-тадбирлар лицензиялаш ва рухсат бериш тизими ислохотини бир марталик эмас, балки давомли ва натижалли бўлиши учун замин яратмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан такомиллаштириш бўйича амалга оширилаётган ишлар ушбу тизимда шаффофликни таъминлаш, маъмурий тартиб-таомилларни бириктириш, ушбу муносабатларда коррупциянинг олдини олиш, энг муҳими, жамиятда тадбиркорлик муҳитини кучайтириш орқали иқтисодий-ижтимоий фаровонликка эришишнинг муҳим омилли бўлади.



Шу кунгача унинг ўзига хос мероси бўй-ча номзодлик диссертацияси ҳимоя қилин-ди ҳамда монография нашр этилди. Ибрат ҳаёти ва ижодига доир илмий-назарий ан-жуман материаллари, ўзбек, рус, инглиз, немис ва араб тилларида ҳикматлари чоп қилинди. Унинг диний-маърифий ва ахлоқ-ий-таълимий қарашлари, лирик меросининг мавзу мундарижаси ва жанр хусусияти эса илмий ёчимини кутаётган муаммолар-дан саналади.

Шуни айтиб ўтиш лозимки, Исҳоқхон Ибратга замондош ижодкорлар авлодида тасаввуфна ғоялар, диний тимсоллар талқини мавжудлиги сабаб, мустақилликка эришилгунга қадар уларнинг адабий ме-росини мукаммал ўрганиш имкони бўлмаган. Мадраса таълимини олган, араб, форс ти-лини чуқур ўрганган, диний ҳамда дунёвий илмларни эгаллаган ва буюк салафлари ижоди билан яқиндан танишиб, бошқалар-га нисбатан ҳар соҳада илғор дунёқараш-га эга бўлган. Шунингдек, Исҳоқхон Ибрат

ижодада мустақил ташқи сиёсат ғояларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ҳам му-ҳим ўрин эгаллаган.

Қўқон хонлигида ўша даврдан анча олдин маърифатпарвар масфура бўлгани сабабли, Ибрат ривожланган, ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар, энг сара миллий-ма-даний анъаналар таъсирида омма орасида ахлоқий баркамоллик ва маърифат ғояла-рини, тинчлик-осойишталик, барқарорлик, халқлар дўстлигини тарғиб этган.

1887 йили Исҳоқхон Ибрат ҳаж амалини бажариш учун Маккага йўл олади. Ҳаждан сўнг Маккадан кетиб, муайян вақт Жиддада яшайди, бундан кейин Европа ва Осиё ма-млакатлари ва шаҳарлари бўйлаб саёҳатга чиқади. Бошида у Кудус ва Дамашқда бўла-ди. Истанбулга етиб борган, Исҳоқхон Ибрат Европа бўйлаб саёҳатини бошлайди. Даст-лаб Софияга қиради, кейин у ердан Афина ва Римга кетади. Европадан Истанбул орқа-ли қайтаётганда Бағдод, Техрон, Исфохон, Шиروز ва Карачи каби шаҳарларда бўлади.

Эрон ва Афғонистонни айланиб, Исҳоқхон Ибрат Ҳиндистонга йўл олади ва муайян вақт Бомбей ва Калькуттада ашайди. Ҳин-дистондан кейин Қошғарга кетади.

Маълумки, Исҳоқхон Ибрат буюк Шарқ олимлари асарларини мустақил таразда кўн-т билан мутлола қилди, араб, форс ва рус тилларини чуқур ўрганди. Мутафаккирининг Шарқ мамлакатларига сафарга чиқишдан асосий мақсади бу мамлакатларни ўз қўзи билан кўриш истаги эди: "...Умрум нақдини хавас бозорида кечирмак тақозоси-ла улуб, синним йигирма беш кечмиш экан, ҳавои тақозои мухтарама душуб саёҳат этдум...", — деб ёзади у ("Луғати ситтати алсина").

Ўзининг асосий — "Тарихи Фарғона" асарида Ибрат Мухаммад Алихонга нис-батан норозилик кўчаиши, Қўқон хонли-ги ва Бухоро амричилиги ўртасида чегара ҳудудлари учун доимий узлуқсиз уруш-лар, Бухоро амири Насруллоҳнинг Қўқон хонлигига қарши вайронавий урушлари, Мухаммад Алихон, укаси Султон Маҳмуд

ҳамда уларнинг онаси Нодирабегимнинг ўлдирилишини кўрсатади. Мазкур воқеа-ларнинг асосий сабаби сифатида у мам-лакатдан ислоннинг обрўли вакиллари, олимлар, ҳақиқий донишманд инсонлар-нинг қувилиши деб ҳисоблайди ("Тарихи Фарғона").

"Тарихи Фарғона"ни ўрганишда Қўқон хонлигининг Россия империяси томонидан босиб олиниши билан боғлиқ воқеалар ҳақидаги ҳўқояларни алоҳида қайд этиш лозим. Ибрат ўз асарида Қўқоннинг ишғол этилиш жараёнини батафсил қўриб чиқади. Муаллифининг фикрича, буларнинг асосий сабаби ўзаро уруш ва низолар, доимий армиянинг йўқлиги ва халқнинг жаҳолатда эканлигидадир.

"Тарихи маданият"да Ибрат ватан гул-лаб-яшнаши учун нима қилиш зарурлиги ҳақида гапирди, иқтисодий масалаларга батафсил тўхталади. У маҳаллий сановат, хунарандчиликни ривожлантириш, иррига-ция иншоотларини қуриш, қишлоқ ҳўжаллиги

лашга интилиш билан бирга, ўз маданий илдизлари, ўзига хос бетакорликни сақлаб қолишга чақирган. У қатъий ислохотлар та-рафдори бўлиб, тараққиёт фойдаси учун анъанавийликни инкор этмаган, чунки анъ-ана ва янглик жамият ҳаётига ҳам иқобий, ҳам салбий таъсир кўрсатиши мумкин деб хисоблаган.

Ибрат ва бошқа маърифатпарварлар мамлакатнинг исломий, миллий манфаат-ларига асосланган ҳолда, очик, ўзаро фой-дали ташқи сиёсат тарафдорлари бўлган. Бундай сиёсат, уларнинг фикрича, дунёда, Яқин ва Урта Шарқда шиддат билан ўзга-раётган вазиятни ҳамда мамлакатда амал-га оширилаётган ислохотларни ҳисобга ол-ган ҳолда шаклланган.

Бугун Ибрат ижодини ҳам ички, ҳам таш-қи шaroитлар ва, аввало, бутун Марказий Осиёдаги маърифат мафкурасига, Ўзбек зиёлилари сиёсий онги ўсишига катта таъ-сир кўрсатган муносабатчиликка қарши ку-раш билан узлуқсиз равишда кўриш зарур.

Тафаккур томирлари

КИТОБХОН ХАЛҚ — БАХТИЁР ХАЛҚ БЎЛАДИ



Ахрор АХМЕДОВ,
“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси бош муҳаррири

Йил охири, айниқса, адабиёт ва санъат, кино соҳаси учун тадбирлар, ўзгаришлар ва янгиликларга бой бўлди. Жумладан, яқинда пойтахтимизнинг Алишер Навоий номидаги Давлат Академик катта театрида улуг маърифатпарвар Маҳмудхўжа Бехбудийнинг 145 йиллигига бағишланган адабий-бадий кеча бўлиб ўтди. Ёзувчилар уюшмасида бир қанча улуг шоир ва ёзувчиларимиз эсланди.

Маҳмудхўжа Бехбудийга бағишланган тадбирда иштирок этган аҳли ижод, маърифат соҳаси вакил-лари ушбу буюк аллома ҳаёти, ижоди, мислсиз меҳ-нати, жонфидолиги борасида у ёки бу йўсин хабар-дор бўлса-да, шу кеча улуг зотни ўзлари учун тула маънода кашф этди. Унинг маърифат борасидаги меҳнатлари, мактаблар очиш, китоблар ёзиш, дунё кезиб, толиби илмларга дарсликлар, қўлланмалар сотиб олиш, газета-журналларда тарғиботчилик қи-лиш, ўзи янги нашрлар очиш, ноширлик қилиш ва ҳўқазо азму шижоатидан барча муттаассир бўлди.

Ана шундай таассуротлар оғушида юрганимизда Президентимизнинг бир кунда эълон қилинган учта қарори адабиёт ва санъат аҳлини қувонтирди, руҳи-ни кўтарди. “Ўзбекистон Қўҳрамони ва халқ шоири Абдулла Орипов таваллудининг 80 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”, “Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳўшимов таваллудининг 80 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”, “Ўзбекистон халқ артисти Ботир Зокиров таваллудининг 85 йиллигини кенг

нишонлаш тўғрисида”ги қарорлар газеталаримиз-нинг биринчи саҳифасини тўлдириб чиқди.

Газеталар-ку ўз йўлига, таъбир жоиз бўлса, халқ-миз кўнглини тўлдирди, ўз азизлари, ўз улўғларидан қувониш, фахрланиш туйғуси каттага кичикни чексиз хурсанд қилди. Соғинган буюқларимизни кўргандай бўлдиқ, бўлажак катта тадбирлар тараддўдига ту-шиб қолдик.

Қарорда уларнинг хотирасини абадийлашти-риш, адибларимизнинг “Танланган асарлари”ни чоп этиш, асарларини қардош тилларга таржима қилиш, ҳўжжатли фильмлар яратиш, “Замондош-лар хотирасида” китобларини тайёрлаш, буюқ санъаткоримиз номидаги миллий эстрада олий мактабини, шунингдек, Ботир Зокиров номида-ги эстрада-симфоник оркестрини ташкил этиш, санъаткор ижодига мансуб тасвирий санъат наму-налари ҳамда адабий асарларидан иборат ўзбек-рус-француз ва инглиз тилларида китоб-альбомни нашр қилиш, хотира кечалари уюштириш, ижодла-ри бўйича илмий-амалий конференциялар ўтка-зиш, яшаган хонадонларига ёдгорлик лавҳалари ўрнатиш, номларига қўчалар қўйиш, спектакллар сарғашлаштириш каби тадбирлар белгиланган.

Албатта, бу буюқ уч ижодкорга кўрсатилган мис-лсиз эҳтиром давлатимиз раҳбари томонидан умум-маънавиятимизга бўлган эътибор, ғамхўрликнинг ёрқин ифодасидир. Шунингдек, янги ижодкорлар — ёш шоир ва ёзувчилар, санъаткорлар, рассомлар-ни ижодга ундаш, иқтидорини намойён этишга имко-ниятлар эшигини янада кенг очиш учун энг самарали йўлдир.

Бундан сап олдин Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини” **“Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлан-тириш йили”**да амалга оширишга оид давлат дас-тури тўғрисидаги фармони ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси тегишли фармой-иш қабул қилди. Унда “Ўзбекистон халқ ёзувчилари Саид Аҳмад, Асқад Мухтор таваллудининг 100 йил-лиги, Ўзбекистон халқ шоири Жўманияз Бехбудов таваллудининг 90 йиллиги, Ўзбекистон халқ ёзувчи-си Шўкур Ҳолмирзаевнинг 80 йиллиги, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, шоир Шавкат Раҳмон, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Эркин Аъзам ҳамда Ўзбекистон халқ шоири Ўсмон Азим таваллу-дининг 70 йиллигини мамлакатимиз миқёсида кенг нишонлаш тадбирлари белгилаб берилган. Фармо-йишда олий ўқув юртлири, маънавият даргоҳларида бу ижодкорларнинг “Ўзбек адабиётига ва санъатига қўшган ҳиссаси ва ижодининг аҳамияти” мавзусида илмий-амалий конференциялар ўтказиш, ижоди ми-солида ёш қаламқашлар учун “Маҳорат дарслари” ташкил қилиш, улар ҳақида фильмлар яратиш, хоти-ра ва адабий кечалар ўтказиш, фотоқўргазма ҳамда китоблар кўргазмаси, яшаган уйларига ёдгорлик лав-



ҳаси ўрнатиш ва уларнинг энг сара ижод намуналар-ини жамлаб, “Танланган асарлар”ни, замондошлар хотиралари китобларини “Шарқ” нашриётида чоп этиш қўрсатиб ўтилган.

Бу бизга, яъни “Шарқ”чиларга қувонч бағишлади, таъбир жоиз бўлса, бу ҳам ишонч, ҳам юксак масъ-улиятдир. Кези келганда шуни айтиб ўтиш жоизки, ҳўзир биз Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва “Ижод” фонди билан айнан қарорда кўрсатилган “Танлан-ган асарлар” сериясини чоп эта бошлаганимизга 3-4 йил бўлди. Бу даврда ўндан ортик улўг ижодкорла-римизнинг бир хил шакл-шамойилдаги забардаст ва кўркам китобларини чоп этдик. Зукко ўқувчилар уни мамнуният билан қўтиб олди. Бу серия уларнинг қи-зо жавонларини тўлдирди, кутубхоналарига фой-ла ва кўрк берди.

Дарҳақиқат, ушбу туркумнинг пайдо бўлиши ҳақи-да икки оғиз айтиб ўтиш ноўрин бўлмас. Боя айтга-нимиздек, 3-4 йил олдин халқ севган улўг ижодкор-ларнинг бир жилдлик, катта ўлчамда, ўта маҳорат ва дид билан тайёрланган “Танланган асарлар” тур-кумини яратиш фикри пайдо бўлди. Аввало, “Шарқ” нашриёти бош таҳририятимизда тортишувлар, баҳслар билан пишган ғояни Бадий кенгашимизга қўйдиқ. Катта адиблар, ижодкорлар, таҳрир ҳайъати аъзолари маълўқлаган, китобларнинг умумий қўри-ниши, рамзлари, муқова, унинг ранги-рўйи бўйича анча тақлифлар бўлди. Ўзимиз ишонган бир неча

рассом биродарларимизга фикр бердик. Ранго-ранг, бири-бирдан гўзал вариантлар тавсия этилди. Яна таҳририят, таҳрир ҳайъати жамоатчилик кенгаши йи-ғилишиб, ҳамма ишларни қўриб чиқдик ва ҳўзирда китобхонлар қўлига етиб борган муқова пайдо бўлди.

Уша чоғда бу туркумни қайси адибдан бошлаймиз деган масала юзага келгани, табиий ҳўл. Тўғриси, бу муқовадан ҳам қийин иш экан. Улўғларни қўзғиг қиймайди, ҳаммаси муносоиб. Охири кўп мулоҳаза-лардан кейин Чингиз Айтматовдан бошлайдиган бўлдик. Чингиз оғанинг энг сара ижод намуналарини жамлаб, китобни 5 минг нўсхада чоп этдик. Ҳўртугул, адашмаган эканмиз, зукко, диди баланд китобхонла-римиз янги туркумдаги янги китобимизни яхши қўтиб олди, тезда тарқалиб кетди. Юзимиз ёрўг бўлди. Хо-зир қайта нашрга ҳўзирлик қўрянимиз.

Вазирлар Маҳкамасининг “2020-2025 йилларда китобхонлик маданиятини ривожлантириш ва қўл-лаб-қувватлаш миллий дастурини тасдиқлаш тўғ-рисида”ги қарориди аҳоли, аввало, ёшлар маъна-вий-маърифий, бадий-эстетик талабларига жавоб берадиган китобларни юксак сифат билан чоп этиш, нашриёт ва ижодкорлар фаолиятига қўмақлашиш, болаларга мўлжалланган китобларни чоп этишни қўпайтириш, миллий ва жаҳон адабиётининг энг сара намуналарини таржима қилиш, мутлола ма-даниятини юксалтириш, республиканинг олис ҳу-дудларида ва ёшга доир китобхонлик маданиятини

ривожлантириш, шунингдек, китоб савдосини таш-кил этиш тартибларини соддалаштириш, китоб ет-казиб бериувчиларни замонавий ижтимоий эҳтиёж-ларга мослаштириш инфратўзимласини яхшилаш, электрон китоблар яратиш, рақамлаштириш, элект-рон каталогларни тузиш каби қатор вазифалар бел-гиланган. Бу дастур уч босқичда амалга оширилади.

Биринчи босқич — 2020-2021 йилларда китоб-хонлик маданиятини ривожлантириш бўйича таш-килий-ҳўқуқий механизмларни такомиллаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш; **иккинчи бос-қичда** — 2022-2023 йилларда китобхонликка оид инфратўзимласини мустаҳкамлаш; **учинчи босқич** — 2024-2025 йилларда ёшларнинг китобхонлик ма-даниятини жадал ривожлантириш, уларнинг интел-лектуал салоҳияти ўсиши ҳўсбига инсон капитали сифатини яхшилашдан иборат. Яна бир янгилик, 2021 йилдан бошлаб ҳар йил апрель ойининг бирин-чи ҳафтаси мамлакатимизда “Китобхонлик ҳафтали-ги” этиб белгиланди.

Китобга, китобхонликка, ноширчилик, китоб сав-досини ривожлантиришга йўналтирилган бу ҳўжжат ўзининг қўлами, миқёси, соҳанинг барча қирралари, муаммоларини кўтаргани билан эътиборга молик. Давлатимиз раҳбари маънавият, маърифат ҳақида гапира туриб, **“Китобсиз келажак йўқ!”** деганлари-да беҳитиёр ҳар бир қалбни чуқур мамнунийлик туй-ғуси қамраб олди. Китобхонликка, мутлолага бўлган алоҳида эътибордан кўнгиллار янада юксалди.

Кўни кеча яна бир эътиборли жараёнда шитирок этдик. Хабарингиз бор, ўтган йили шу пайтларда Тошкентда таърихчи бор Халқаро китоб ярмаркаси бўлиб ўтганди. Унга жаҳоннинг 20 дан ортик дав-латидан касбдошларимиз ташриф буюрди. Шунда ҳайъат аъзоларидан бири сифатида хорижий меҳ-монларнинг бу тадбиримизга бўлган юксак муноса-батига эътибор бергандим. Чет эллик меҳмонларим-ми гўзал пойтахтимизни, юртимизни ва китобхон элимизни севиб қолганини айтиб, бу тадбирич бу йил йилга ўтказиш тақлифини берди. Афсуски, бу йил пандемия туфайли у онлайн тарзда ўтказилди. 16-18 декабрь кўнлари Алишер Навоий номида-ги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида “Tashkent Book Fest — 2020” II халқаро китоб кўргазмаси бў-либ ўтди. Унда 11 хорижий давлат, жумладан, Буюк Британия, Россия Федерацияси, Қўзогистон, Исроил, Туркия, Франция, АҚШ, Бельгиянинг наш-риёт ва китоб савдо ташкилотларидида 20 нафар мутахассис, маҳаллий нашриётлар ҳамда ахборот-кутубхона муассасалари вакиллари шитирок этди.

Юртимизда китобхонликка, китоб чоп этишга, адабиётни кенг тарғиб этишга бўлган бундай эъти-бор, ғамхўрлик халқимиз маънавияти, саводхонлиги юксалишига хизмат қилади. Айниқса, келажикмиз таянчи бўлган ёш авлодни рағбатлантиради, барка-молик сари ўндайди. Зеро, китобхон халқ етакчили-ри ҳам китобхон, китобсевар, адабиётсевар бўлса, у халқ бахтиёр, маънавияти юксак бўлади.